

Ушбу шартномага асосан бир томондан “\_\_\_\_\_” раҳбари \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «Сотувчи») ҳамда иккинчи томондан АТ “Алоқабанк” (кейинги ўринларда «Сотиб олувчи») ўртасида тузилган ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни шартномага илова қилинган спецификацияга асосан «Сотиб олувчи»га мулк қилиб топшириш, «Сотиб олувчи» эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда шартнома суммасини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 «Сотувчи» қуйидаги маҳсулотларни сотади ва хизматларни бажаради.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи ҚҚС бирга	Жами
1	Дизель-генератор				
2	UPS ускуналари				
	Ж А М И :	xx	xx	xx	

### II. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни ташкил этади.

2.2. Маҳсулотни етказиб бериш муддати: 30 (ўттиз) календар кун.

2.3. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун тўлов юқорида кўрсатилган умумий сумманинг 15 фоизи (%) \_\_\_\_\_ сўм олдиндан, Маҳсулот етказиб берилиб, топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг қолган 85(%)и \_\_\_\_\_ сўм тўлаб берилади.

2.4. Мазкур шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар, агар шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тарафларнинг шартномада кўрсатилган ҳисобварақларига нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида амалга оширилади

### III. ТОВАР (МАҲСУЛОТ)НИНГ СИФАТИ

3.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.2. «Сотувчи» тўпламда ярқисиз маҳсулот мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 10 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.

3.3. «Сотувчи» Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.4. Ишлаб чиқаришга оид нуқсонлари аниқланганлиги муносабати билан «Сотиб олувчи» томонидан кафолатли муддат доирасида қайтарилган товар (маҳсулот)лар «Сотувчи»га қайтариб берилиши лозим, бунда «Сотувчи» уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки «Сотиб олувчи» билан келишган ҳолда 10 кун ичида ярқисиз товар (маҳсулот)ларни сифатли товар (маҳсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

### IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик ҳолида, тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4.2. «Сотувчи»нинг мажбуриятлари:

а) Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га хизмат кўрсатиш ва маҳсулот бериш;

б) «Сотувчи» шартномада кўрсатилган маҳсулотни тўлик бермаса ёки беришдан бош тортса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, пеня миқдори умумий суммасининг 50 % дан ошмаслиги лозим.

в) «Сотувчи» сифатли ва яроқли маҳсулотлар билан таъминлайди.

д) «Сотувчи» бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчи (сотувчи) сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, 15 кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт. Бундан буён товарлар бутлаб бергунга қадар уларнинг ҳаққини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

е) Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берилганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 % миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сарфланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

а) «Сотиб олувчи» олинган маҳсулотни қийматини шартномада келишилган муддатда тўламаса, тўловдан бош тортса, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 % миқдорда пеня тўлайди. Пеня миқдори умумий суммасининг 50 % дан ошмаслиги лозим .

б) «Сотиб олувчи» товарларни олиб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (давр) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган ўз муддатида олинган товарлар қийматининг 5 % миқдорида жарима тўлайди.

в) Шартномада назарда тутилган тўлов талабларини ўз вақтида амалга оширади.

## **V. ТАРАФЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТУВЧИ ҲОЛАТЛАР**

5.1. Тарафлар енгилмас куч таъсиридаги ҳолатлар (форс-мажор), яъни тарафлар кўра билолмаган ёки олдини ололмайдиган, тарафларнинг иродаси ва хоҳшидан ташқари вужудга келадиган ҳолатлар натижасида мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод этиладилар.

5.2. Форс-мажор ҳолатлар бўлиб, ёнғин, сув тошқини, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эпидемия, техник фожиялар, харбий ҳаракатлар, фавқулотда вазиятлар, давлат органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳисобланади.

5.3. Форс-мажор ҳолат натижасида ўз мажбуриятини бажара олмаётган тараф иккинчи тарафни форс-мажор ҳолат вужудга келган кундан ва тугашидан 3 банк куни ичида, форс-мажор ҳолатлар вужуд келганлиги, давом этиши тахмин қилинаётган муддат, тугаш муддати ҳақида ёзма огоҳлантириши шарт.

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Мазкур шартнома асосида ва унинг юзасидан тарафлар ўртасида вужудга келган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар, тарафлар томонидан музокара орқали ҳал этилади.

6.2. Вужудга келган низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаганда, тарафлар Иқтисодий судга мурожаат этадилар.

6.3. Судга мурожаат этишдан олдин, тарафлар қуйидагиларни бажарадилар:

а) Вужудга келган низо ва келишмовчиликларни ҳал этиш истагини билдирган ҳолда, вужудга келган низо ва камчиликларни кўрсатиб тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган талабномани буюртмали хат билан юборади.

б) Талабномани олган тараф талабномага жавоб хатини талабномани олган кундан бошлаб 15 кун ичида қачон юборилганлигини ишончли аниқлаш имкониятини берадиган воситалар орқали юборади.

## **VII. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ**

7.1. Шартномага ўзгартиришлар мазкур шартномага қўшимча равишда тузиладиган қўшимча шартномага асосан киритилади.

7.2. Ўзгартириш киритмоқчи бўлган тараф иккинчи тарафга шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қўшимча шартнома лойиҳасини юборади.

7.3. Шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисида қўшимча шартнома лойиҳасини олган тараф, ушбу лойиҳани олган кундан бошлаб 10 календар кун ичида кўриб чиқиб лойиҳани юборган тарафга жавоб йўллайди.

7.4. Қўшимча шартнома лойиҳасини олган тараф лойиҳани олган кундан бошлаб 10 календар кун ичида жавоб йўллама са шартнома лойиҳаси қабул қилинган ҳисобланади

#### **VIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР БЎЛИШИ**

8.1. Мазкур Шартнома у бўйича тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганларидан сўнг бекор бўлган ҳисобланади.

8.2. Шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8.3. Мазкур шартномани бекор қилмоқчи бўлган тараф иккинчи тарафга шартномани бекор қилиш шартларини кўрсатган ҳолда шартномани бекор қилиш тўғрисида шартнома лойиҳасини юборади.

8.4. Мазкур шартномани бекор қилиш тўғрисида шартнома лойиҳасини олган тараф, олган кундан бошлаб 15 кун ичида ушбу лойиҳани кўриб чиқиб, иккинчи тарафга жавоб хати юборади.

8.5. Мазкур шартноманинг 8.4. бандида кўрсатилган муддат ичида шартномани бекор қилиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини олган тараф иккинчи тарафга лойиҳа юзасидан жавоб хати юбормаса, шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

8.6. «Сотувчи» товарни «Сотиб олувчи»нинг рухсатсиз учинчи шахсларга гаровга қўйган тақдирда, «Сотиб олувчи» ўз хоҳишига кўра шартномани муддатида олдин бекор қилиши ҳамда етказилган зарарни тўлашни талаб қилиши мумкин.

#### **IX. БОШҚА ШАРТЛАР**

9.2. Мазкур шартнома ўзбек тилида икки нусхада ёзилган бўлиб, шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

9.3. Шартнома муддати тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганлардан сўнг тугаган ҳисобланади.

9.4. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг тарафлар ўртасида бўлган ҳар қандай оғзаки ёки ёзма келишувлар, битимлар ва аризалар, шартнома имзолашдан олдин бўлган ҳар қандай ёзишма ва музокаралар ўз юридик кучини йўқотади.

9.5. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ҳамда ушбу ўзгартиришлар тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

9.6. Тарафлар ўз манзилларини ва реквизитларини ўзгариши тўғрисида бир-бирларини тез кунда огоҳлантиради.

9.7. Мазкур шартноманинг 9.4 бандини бажармаслик тарафлар шартномада назарда тутилган хат-хабарлар ва тўловлар ўз муддатида етиб бормаганлигини сабаб қилиб кўрсатишдан (важ қилишдан) маҳрум қилади.

9.8. Ҳар қандай хат-хабарлар ёзма шаклда почта орқали буюртма олинганлигини тасдиқловчи хат билан юборилиши керак.

9.9. Мазкур шартнома шартлари, унга қўшимча шартномалар ва шартнома юзасидан тарафлар олган бошқа маълумотлар конфиденциал ҳисобланиб, ошкор этилмайди.

#### **X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

“СОТУВЧИ”	“СОТИБ ОЛУВЧИ”



